

## Калом илми олими меросига бағишланган халқаро онлайн конференция бўлиб ўтди



08:48 / 28.09.2021 1085

Буюк мутафаккир аждодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридийнинг издоши, мотуридийлик таълимотининг кенг ёйилишига улкан ҳисса қўшган Абу Муин Насафий меросини чуқур ўрганиш, унинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш долзарб вазифа саналади.

**27 сентябрь** кунини ушбу муҳим вазифанинг амалдаги ижроси сифатида калом илмининг машҳур алломаси, мутафаккир Абу Муъин Насафийнинг илмий ва маърифий меросини ўрганиш, унинг мотуридийлик таълимотини янада ривожлантириб, кенг тарқалишида кўрсатган беқиёс хизматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган **“Абу Муин Насафий илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти”** мавзусида халқаро онлайн конференция ташкил этилди. Унда **Россия Федерацияси, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистондан 44га** яқин таниқли исломшунос олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ҳамда диний соҳа

вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари **Ҳомиджон Ишматбеков** очиб берди. Ҳомиджон домла ўз нутқида Абу Муин Насафийнинг тўлиқ исми, устозлари, асарлари, шогирдлари, олимнинг шаклланишида илмий муҳитнинг ўрни, Абул Муин Насафий ҳақида Абдулқодир Қуройшийнинг «Жавоҳирул музийя фий табақотул ҳанафийя» деган китобида, Абдулҳай Лакнавийнинг «Фавоидул баҳийя фий тарожибил ҳанафийя» асарида, Ибн Қутлуғбуғо «Тожут-тарожим»да, Кафавий «Катоибу аълумул аҳёр мин фуқаҳойи мазҳабун Нўъмонул мухтор» асарида, Ҳожи Халифа «Кашфуз-зунун» асарларида зикр қилиб ўтганлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Абу Муин Насафий аҳли сунна вал жамоага муҳолиф бўлган, тарихда фаолият юритган ақидапараст оқимларнинг келиб чиқиш сабаблари, ақлга ҳаддан ташқари суянишнинг салбий оқибатлари тўғрисида ҳам атрофлича сўзлаб берди. Олимнинг "Табсиратул адилла" асарида юртимиз олимлари томонидан нашр этилгани анжуман иштирокчиларига маълум қилинди.

Шундан сўнг, сўз Россия мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари **Дамир Муҳиддин**га берилди. Ҳазрат Дамир нутқининг аввалида Ўзбекистон халқига муфтий ҳазратларининг вафотлари билан ҳамдардлик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳот, ўзгаришлар ва эришилган ютуқларни юқори эътироф этиб, ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятига ижобий баҳо берди.

Дамир Муҳиддин Абу Муин Насафийнинг илмий мероси ҳақида тўхталиб бундай деди: "Ақида масалалари ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу боисдан бу ҳаётий муҳим масала ҳар доим ҳам илм аҳлининг диққат эътиборида бўлиб келган. Абул Муин Насафий ҳам шу йўналишда бир нечта асарлар яратган. Муаллифнинг, айниқса, "Тавсиратул адилла", "Баҳрул калом", "Ат тамҳид ли қавоиди тавҳид" каби асарлари дунё олимлари томонидан юқори баҳоланган".

Ҳазрат Дамир Муҳиддин олимнинг ҳаёти ва ижодини янада кенг тарғиб ва тадқиқ қилиш, бошқа тилларга таржима қилиш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кейин **Тожикистон Ислом маркази раиси, муфтий Саидмукаррам Абдулқодирзода** Абул Муин Насафий ақида илмида жуда машҳур бўлганини, Мотуридий мазҳабининг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшганини, ўша вақтда чиққан мўътазилия, жаҳмия, карромия, ботилийя каби оқимларнинг даъволарига қарши илмий раддиялар асосида курашгани ҳақида тўхталиб ўтди.

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси** Исломшунослик кафедраси доценти, т.ф.н **Саидмухтор Оқилов** "Абу Муин Насафий илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти" ҳақида маъруза қилди. Абу Муин Насафийнинг илмий мероси, унинг асарларининг дунё фондларида сақланаётган нусхалари ҳақида сўзлаб берди. Мотуридийлик таълимотини Абу Муин Насафийсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Олимнинг "Табсиратул адилла" китобида нафақат ақидавий масалалар баён этилгани, балки унда мовароуннаҳрлик 100дан уламолари ҳақида маълумотлар ҳам берилгани айтиб ўтди.

"Баҳрул калом" асарида хорижий, муржиъий, мўътазилий каби оқимларнинг бузуқ даъволарига берилган раддиялар билан бирга, динимизда ҳалол меҳнатга бўлган муносабатга оид оят ва ҳадислардан намуналар келтирди.

Шунингдек, Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари **Ҳабибуллоҳ домла Қодирбоев**, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори **Шукрулло Умаров**, Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси бўлим мудирини **Ҳасан домла Аманқулов** маърузасида Абу Муин Насафий меросининг ўзига хос-хусусиятлари, афзалликлари ва мўътадиллиги, олимнинг илмий мероси, унинг Ислом оламида тутган ўрни беқиёслигини, ушбу мероснинг мотуридийлик таълимотини сақлашдаги роли ҳамда адашган тоифаларга қарши курашдаги аҳамияти улкан эканлигига урғу бердилар.

Булгар ислом академияси катта ўқитувчиси **Али Муҳаммад Сайф ал-Асрий**, Ўзбекистон буюк алломлар юрти эканини, бу диёрдан Ислом илмларининг барча соҳалари бўйича етук олимлар етишиб чиққанини, улар дунёнинг барча бурчакларига илм тарқатишганини эътироф этди. Айниқса, Абу Муин Насафий, Абул Баракот Насафий, Нажмиддин Насафий каби насафлик уламоларнинг ақида илмига қўшган ҳиссалари улканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ақида илми барча илмларнинг асоси эканини таъкидлаб, бу борада юртимиз алломалари пешқадам бўлишганини айтди.

Имом Мотуридий илмий-тадқиқот маркази директори **Даврон Мақсудов** аждодларимиз меросини кенг жамоатчиликка етказиш, хусусан, уни ёш авлодга етказишда замонавий услублардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Хусусан, соф ақида таълимотларини ижтимоий тармоқ орқали аудио, видео шаклда осон ва раво тилда тарқатиш муҳимлигини таъкид қилди.

Анжуманда қуйидаги **мавзулар муҳокама қилинди**:

- **Қашқадарёдаги Ақида илми мактабини** Абу Муин Насафий илмий меросини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи **халқаро илмий тадқиқот марказига айлантириш**;
- Абу Муин Насафий қаламига оид дунё фондларида сақланаётган қўлёзмаларни жамлаш, уларни ҳамкорликда таржима қилиш, илмий изланишлар олиб бориш, халқаро илмий лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- Абу Муин Насафий илмий меросига бағишланган махсус сайт ташкил этиш, олимнинг асарларини электрон шаклда жойлаштириш, уларни турли тилларга таржима қилиш ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқатиш;
- турли диний ақидапараст оқимларнинг даъволарига Абу Муин Насафийнинг асарлари асосида раддиялар бериш;

Тадбир сўнгида билдирилган маърузалар ва фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ўзаро савол-жавоб тарзида илмий хулосалар алмашилди ҳамда келгусида шу каби тадбирларни ҳамкорликда ўтказишга келишиб олинди.

***Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати***